ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ СОЗ ЭКИНГ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 90 (12.443) | Сешанба, 16 апрель 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ЧИГИТ ЭКИШ ТАМОМЛАНДИ

ТЕРМИЗ, 13 апрель. (ЎзТАГ). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистонининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаати радио орқали эшиттирилганида, Ғузор ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли совхознинг механизаторлари бутун майдонда чигит экишни тамомлаган эдилар.

Ғузор ишлаб чиқариш бошқармасидаги зонада бутун пахта майдонининг тўртдан уч қисмига чигит экиб бўлинди. Чигит барвақт экилган майдонларда уруғ қийғос униб чиқди. Ҳозир ғўза тупларининг қалинлиги текширилмоқда. Культиваторлар далаларга чиқарилмоқда, минерал ўғитлар ташиб келтирилмоқда. Кўпгина майдонларда қатор ораларидаги тупроқ юмшатила бошланди.

ЭКИШДА СИФАТГА ЗЎР БЕРМОҚДАМИЗ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРнинг барча пахтакорларига қарата чиқарган Мурожаатини бизнинг пахтакорларимиз ҳам мамнуният билан кутиб олдилар. Мурожаат ҳамма бригадаларда қизғин муҳокама қилинмоқда.

«Кўкламги ҳаракат — кузги баракат» деб таъкидланади мурожаатда. Бу бежиз айтилмаган. Экишни уюшқоқлик билан юқори агротехника қоидаларида ўтказсак, чигитни ернинг ўз намига бир текис ундириб олсак, марра бизники. Шунинг учун ҳам биз экишнинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бу йил 3190 гектар майдонга чигит экамиз, ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил қўтариб, камида 9 минг 300 тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганмиз. Бу ҳосил ўз-ўзидан бўлмайди. Тўла гектарларни шу кунларда таъминлаш, ҳар бир карта ва ҳар бир қаторда нормадаги кўчатни ўстириш, унинг яхши ривожланиши учун айни кунларда ҳамма имкониятни яратиш керак бўлади. Шу мақсадда экишнинг сифати устидан контролликни кучайтирмоқдамиз.

Б. АББОСОВ,
Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1963 йил 15 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Экилгани	Шу жумладан квадрат-уялаб экилди
Тошкент	59,5	41,1
Андижон	58,5	59,3
Сурхондарё	52,2	30,8
Бухоро	50,4	33,8
Фарғона	46,2	36,4
Сирдарё	41,6	31,7
Хоразм	15,4	8,3
Самарқанд	14,8	11,9
Қорақалпоғистон АССР	6,3	5,4

ҚУРТ БОҚИШГА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН КИРИШАЙЛИК

Ўзбекистон пахта билан бирга мамлакат пилла бойлигига ҳам жуда катта ҳисса қўшади. Иттифоқда етиштириладиган пилланинг катта қисмини Ўзбекистон беради. Республикамиз пиллачилари фидокорона меҳнат қилиб, зиммаларидаги интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар — мамлакатга йил сайин мўл ва арзон пилла етказиб бермоқдалар. Пилла етиштириш юзасидан етти йиллик планнинг дастлабки тўрт йили учун берилган топшириқ муваффақиятли бажарилди. Ўтган йили давлатга 15315 тонна ана шу қиммати хом ашё етказиб берилди.

Новатор пиллачиларнинг, юқори ҳосил усталарининг йил сайин кўпаяётгани айниқса кувончлидир. Мирқишлоқ пиллачиларга ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб ҳосил олиш ҳеч варса бўлмай қолди. Ўтган йили юзлаб звенолар, ўнлаб бригадалар ҳар қути қурт уруғидан 100 килограмм ва ундан ҳам ошириб пилла олишга эришдилар. Фарғоналик Олияхон Султонова, бухоролик Ҳурмат Тешаева, андижонлик Қундуз Рустамова ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Бу йил қурт боқишга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда новатор пиллачиларнинг бой тажрибаларидан моҳирлик билан фойдаланиб пилла бойлигимизни оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бунда Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаси пиллачиларининг ташаббуси диққатга сазовордир. Улар 1963 йилда давлатга ҳар йилдагидан кўп ва юқори сифатли пилла етказиб бериш мажбуриятини олиб, республикадаги ҳамма пиллачиларни ўзларига тенглашишга чақирдилар. Шаҳрисабзликлар ўз вазифаларини ўстидан чиқиш учун курашиб, қурт боқишга намунали тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шаҳрисабз пиллачиларининг ваданларнинг ташаббуси республикамиз пиллачилари томонидан якдиллик билан маъқулланмоқда. Пешқадам хўжаликларнинг пиллачилари қурт боқиш мавсумига тайёргарликни бирин-кетин тугаллаётирлар.

Қурт боқиш жуда нозик ва сермеҳнат ишдир. Парвариш вақтида салгина камчиликка йўл қўйилса, қурт кўплаб нобуд бўлади. Бунинг натижасида мўлжалдаги пилла олинмай қолади, колхоз ва совхозларнинг экономикасига анча зарар етади.

Аввало, республикамизда қурт уруғини тарқатиш жуда суст олиб борилаётир. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида бу ишга ҳалигача киришилгани йўқ. Қурт боқиш эрта муддатларда бошлаб юборилади Сурхондарё областида яқинда совуқ урган тут барглари кайта тиклаш чоралари кўрилмаётир. Бухоро, Самарқанд ва Тошкент областларида ҳам тут плантацияларини, ариқ бўйларидаги, йўл атрофларидаги тутларни парвариш қилишга эътиборсиз қараламоқда.

Пилла қурти — барг билан тирик. Шунинг учун қуртнинг озуқа базаси ҳақида ҳозирдан тинмай қайғуриш, шу мақсадда тутзорларни меҳр билан парвариш қилиш — қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва озиқлантириш керак. Илғор хўжаликларда қилинаётганидек ҳамма колхоз ва совхозларда тутларни бригадаларга бириктириб қўйиш яхши натижа бериши шубҳасиздир.

Фан ютуқлари, илғорларнинг иш тажрибаси пилла қуртини кенг ва ёруғ биноларда боқиш ҳосилдорликни оширишда ҳар жиҳатдан устун эканлигини кўрсатди. Шунинг учун қурт боқишга энг қулай жамоат биноларини ажратиш, уларни яхшилаб оклаш ва дезинфекция қилиб қўйиш керак. Пилла қуртини ёпиқлигда ана шу биноларда парвариш қилиш учун 2-3 ярусли сўкичаклар қуриб қўйиш зарур. Инкубаторияларда жонлантирилган уруғ қуртларини биноларга кўчиришдан 3-4 кун олдин биноларни ва сўкичакларнинг канчалик тайёр эканлигини охирги марта кўздан кечириб чиқиш, кам-кўстларини шошилинч равишда тузатиш лозим.

Маълумки, ҳар бир жонворда маълум даражада ҳарорат бўлади. Пилла қуртларида эса бундай хусусият йўқ. Шу сабабли қуртларга ташқаридан сунъий равишда иссиклик берилади. Бу эса қуртхоналарни тегишли даражада иссиқ ҳолда саклашни тақозо этади. Бунинг учун ҳамма қуртхоналарга печкалар ўрнатиш, ёқилғи ҳозирлаб қўйиш керак. Биноларни нормал иссиқликда ва доим озода, ҳавосини соф ҳолда сақлаш пилла қуртларини жадал усулда боқишнинг бирдан-бир шартидир.

Пиллачилар тили билан айтганда, «даста кўтариш» — жуда муҳим иш. Улар бу ишга ҳар йили катта эътибор билан қарайдилар. Дасталарни эрта муддатларда етарли миқдорда тайёрлай қўядилар. Қурт пилла ўраб бошлагандан кейин ҳар куни даста кўтарадилар. Илғор пиллачилар дасталарни катор қилиб қўядилар. Шу йўл билан илғорлар анчагина пиллани иссикда эриб нобуд бўлишдан саклаб қолмоқдалар ва ҳосилдорликни оширмоқдалар.

Лекин республикамизнинг баъзи колхоз ва совхозларида даста кўтаришга эътибор берилмайди, хатто дасталар ўз вақтида тайёрлаб қўйилмайди, айни пилла ўраб бошлаган вақтда даста қилишга киришилади. Бунинг натижасида анча ҳосил қўлдан бой берилмоқда. Бунга эндиликда йўл қўймаслик учун дасталарни шу кунларда ҳозирлаб қўйиш, даста тайёрлаш учун бу ишга яхши биладиган кишиларни ажратиш лозим. Шундай қилиш керакки, даста тайёрлаш қурт боқишга ҳозирлик кўриш ишлари билан бир вақтда тугаллансин.

Республикамиз пиллачиларининг бу йилги аҳди ҳар йилдагидан ҳам катта. Биз бу йил она-Ватанга 15 минг тоннадан кўпроқ пилла етказиб беришимиз керак. Шуни унутмаслик керакки, пилла қуртини боқиш ғўза парваришининг энг қизғин пайтига тўғри келади. Мамлакатга кўп пахта ва пилла етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш учун ғўза қатор ораларини ишлашни пилла қуртини парваришқилиш билан маҳкам боғлаб олиб бориш талаб этилади. Бу эса қурт боқиш мавсумини шайланиб кутиб олишимизга боғлиқдир. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари қурт боқишга тайёргарлик кўришдаги камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиш учун шошилинч тадбирларни амалга оширишлари керак.

Халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирдамлик ва қардошлик куни — баҳор байрами яқинлашмоқда. КПСС Марказий Комитети ўзининг 1 Май Чақириқларида бундай деб хитоб қилади:

— Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун, дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдиринг!

Республикамизда пилладан мўл ҳосил етиштириш ва енгил саноатни бу қимматли хом ашё билан ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ таъминлаш учун тинмай курашайлик. Пилла етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни баҳорги қурт боқиш ҳисобига муваффақиятли бажарайлик.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Колхоз ва совхозларда чигит экиш оммавий равишда кучайтириб юборилди. Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида ҳам тракторларнинг гуруллаган овози тинмайди. СУРАТДА: колхознинг Шоди РАҲМАТОВ бошлиқ бригадасида чигит экиш пайти. Бу бригада 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган.

А. Абалян фотоси.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР АҲДИ

Умумхалқнинг мўл пахта учун курашида ҳар бир киши ўз ўрнини эгаллаши, бутун кучини тўла ишга солиб, виждонан меҳнат қилиши керак! Бу йил — ҳамма кадрларимиз етуклик имтиҳонидан ўтадиган йилдир. Бинобарин, ҳар биримиз бу имтиҳондан шараф билан ўтмоғимиз керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамиздаги барча меҳнаткашларга карата чиқарган мурожаатидаги бу илҳомбахш сўзлар бизнинг куч-ғайратимизни ошириб юборди. Биз ҳам бригадамиз бўйича ҳар бир ишчи ҳисобига 50 тоннадан пахта етиштириб зўр синовдан ўтамиз.

Ҳозир чигит экишни жадал суръат билан, сифатли қилиб ўтказмоқдамиз. 40 гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилди. Яна икки кунда чигитни тўла экиб бўламиз ва чигит униб чиккан майдонларда пешма-пеш ғўза парваришини бошлаймиз. Шу мақсадда икки универсал тракторга культиваторлар осиб қўйилди.

Мурожаатда **сўз бердингми — уддасидан чик, ваъда қилдингми — бажар, ишга чинакам коммунистик муносабат ана шундай бўлиши лозим...** дейилган. Биз комсомол-ёшлар лаби халоллик учун курашни мукаддас бурч деб биламиз. Ҳар бир ишчи ҳисобига 50 тоннадан пахта етиштириш ҳақидаги мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратимизни сарф этамиз.

И. АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё областидаги «Фарҳод» совхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МОСКВА, 13 апрель. (ТАСС). СССР Рассомлар союзининг Бутуниттифоқ иккинчи съездида сайланган правленнеси съезд иши тамом бўлганлиги муносабати билан бугун Кремлнинг Георгиевский залида қабул маросими ўтказди. Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. Н. Шелепин ўртоқлар рассомлар ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар.

Уч кун давом қилган съезд совет рассомлари Коммунистик партия тезарагида жипслашганлигини намойиш қилди. Социалистик реализм принципларига содиқ бўлган совет рассомлари қилинган катта ишни якунладилар, ўз ишларидаги муваффақиятларни ва камчиликларни муҳокама қилдилар — СССР Бадиий академиясининг президенти В. А. Серов қабул маросимида сўзлаган нутқида тасвирий санъат усталари йиғинининг ишини мана шу сўзлар билан якунлади. У, улуғ Коммунистик партия, ленинчи Марказий Комитет яшасин, содиқ ленинчи совет рассомларининг энг яхши дўсти Никита Сергеевич Хрущев яшасин, деб хитоб қилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан рассомларни табриклади.

Қабул маросими ғоят самимий вазиятда ўтди.

ФАХРИЙ УНВОНЛАР

Совет тасвирий санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 12 апрель **Фармони** билан қуйидагиларга **СССР халқ рассоми** фахрий унвони берилди: Микаил Гусейн ўғли **Абдуллаева**, Михаил Константинович **Аникушинга**, Екатерина Федоровна **Белашовага**, Илья Трофимович **Богдескога**, Михаил Михайлович **Божийга**, Иосиф Иосифович **Бокшайга**, Александр Александрович **Дейнекага**, Михаил Гордеевич **Дерегусга**, Уче Малакиевич **Жапаридзега**, Николай Николаевич **Жуковга**, Александр Павлович **Кибальниковга**, Михаил Григорьевич **Лисенкога**, Эвальд Карлович **Окасга**, Ара Мигранович **Сарксянга**, Лео Симанович **Свемпга**, Урол **Тансиқбоевга**, Владимир Андреевич **Фаворскийга**, Семен Афанасьевич **Чуйковга**, Витаутас Миколо **Юркунасга**.

(ТАСС)

БЕЛЬГИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIV СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бельгия Коммунистик партияси XIV съездининг делегатларига ва сизлар орқали Бельгиянинг барча коммунистларига қардошлик саломи йўллайди.

Мамлакат ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг илғор отряди бўлган Бельгия Коммунистик партияси меҳнаткашларнинг асл манфаатлари учун, уларнинг иқтисодий ва социал талаблари қондирилиши учун, монополияларнинг зўравонлигига қарши, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун. Бельгияда чет эл ҳарбий базалари вужудга келтирилишига қарши, ўз халқининг порлоқ истиқболи учун тинмай курашиб келмоқда.

Мамлакатнинг миллий манфаатларига, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Бельгия коммунистлари ўзининг тўла озодлиги учун курашаётган Конго халқини қўллаб-қувватламоқдалар. Бельгия реакцияси билан халқаро реакциянинг Конго Республикасидаги кирдикорларини фош қилмоқдалар.

Марказий Комитет тезарагига жипслашган сизнинг партиянгиз марксизм-ленинизм принциплари, Москва кенгашларининг Декларацияси ва Баёноти асосида жаҳон коммунистик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитети партия сафларининг ғоявий ва ташкилий жипслигини ҳамда унинг омма билан алоқаларини марксизм-ленинизм байроғи остида мустаҳкамлашда, меҳнаткашларнинг муҳим манфаатлари учун, уларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликлари учун, тинчликни сақлаб қолиш ва жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун, социализм учун курашда ишчилар синфининг, монополияларга қарши барча кучларнинг ҳаракат бирлигига эришишда Бельгия Коммунистик партиясига янги-янги ютуқлар тилайди.

Яшасин Бельгия Коммунистик партияси!
Яшасин Бельгия ва Совет халқларининг дўстлиги!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1963 йил 13 апрелдаги Фармони билан балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун **Ўзбекистон ССРдан қуйидагиларни мукофотлади:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Азиров Убайтжон — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Октябрь 15 йиллиги» балиқ овлаш колхозининг балиқчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Исмонлов** Наврўзбой — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинатига қарашли «Қозоқдарё» балиқ заводи «Азовец» балиқ овлаш сейнерининг капитани.

2. **Қобулова** Оқжон — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати консерва заводининг ишчиси.

3. **Кивенко** Дмитрий Иванович — «Ўзбекистон 25 йиллиги» транспорт кемасининг капитани.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Қўсбармоқов** Авесбой — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Красний рибак» балиқ овлаш колхозининг балиқчиси.

2. **Серебряков** Анатолий Михайлович — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинатининг директори.

3. **Тлемисов** Қўйғали — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ консерва комбинати «Ўрга» балиқ заводининг балиқчиси.

4. **Ўтамбетов** Илёс — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Коммунизм» балиқ овлаш колхози мотофелюгасининг капитани.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қузбасс Халқ хўжалиги кенгашининг Ново-Кемерово химия комбинатида капролактам корхонасини қуриш ва уни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1963 йил 12 апрелда Фармон чиқариб, РСФСР Қурилиш министрлиги «Кемеровохимстрой» трести ва бошқа ташкилотларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари, раҳбар ходимлари ва инженер-техник ходимларидан 95 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Революция учун курашчиларнинг жанговар сафида

ДЕМЬЯН БЕДНИЙГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Москва жамоатчилиги атоқли совет шоири Демьян Бедний туғилган куннинг 80 йиллигини зўр муҳаббат билан нишонлади. 13 апрелда СССР Большой театрида бўлган тантанали мажлисда пойтахтдаги заводлар, фабрикалар ва қурилишларнинг вакиллари, адабиёт ва санъат арбоблари, олимлар, пойтахт меҳмонлари — иттифоқчи республикаларнинг вакиллари қатнашдилар. Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Л. Ф. Ильичев ўртоқлар ҳукумат ложасида ўтирдилар.

Мажлисни Бутуниттифоқ юбилей комитетининг раиси Алексей Сурков очди. Сергей Михалков, Петрусь Бровка, Павел Арский, Сергей Васильев, Расул Ғамзатов, Александр Жаров сўзга чиқдилар. Нотиқлар Демьян Бедний революция учун курашчиларнинг жанговар сафида бўлганлигини ва ўзининг бутун зўр талантини меҳнаткашларни эксплуататорлар асоратидан озод қилиш улуғ ишига бағишлаганлигини таъкидладилар. Ҳозирги кунда ҳам унинг поэзияси коммунистик жамият яратишга даъват қилувчи зўр садо бўлиб янграмоқда.

Большевик шоир Демьян Бедний, деди А. Сурков, ҳозирги кунда ҳам ғолиб халқимизнинг умумий сафида туриб, жанговар партиявий совет поэзиясининг олдинги қаторида биз билан бирга бормоқда. (ТАСС).

Меҳнат Зафарлари

АЎЛО СИФАТЛИ ҚОРАКЎЛ

Бухоро қорақўл тери ошлаш заводи коллективи яхши натижаларга эришаётир. Илғор иш усуллари ва прогрессив технологияга амал қилган корхона ишчи-хизматчилари биринчи квартал давомида планга қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрладилар.

Шу неча кундузда янги келтирилган қорақўл теріларни ошлаш кучайтириб юборилди. Корхона коллективи бу кампанияга пухта тайёргарлик кўрди. 120 киши бир ойлик курсларда малакасини оширди. Цех ва омбор бинолари янги мавсумга мослаштирилди. Бухоро қорақўлчилари жаҳонда энг сифатли қорақўл тери учун курашмоқдалар. Ҳозир тайёрланаётган маҳсулотлар нуқул аъло сортларга қабул қилинаётир.

В. АКМАН.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Чуст ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленин йўли», «Коммуна», Куйбишев номли ва «Правда» қишлоқ хўжалик артелларига хизмат кўрсатадиган колхозлараро қурилиш конторасининг коллективи қисқа муддатда «Ленин йўли» колхозида иккита дала шийпони, 200 сигир сиғадиган молхона, «Коммуна» колхозида дала шийпони, магазин, чойхона, Косонсой поселкаси марказида дорихона ва бошқа кўплаб биноларни қуриб, фойдаланишга топширди.

А. ОХУНКОНОВ.

УКРАИНА ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

КИЕВ, 12 апрель. (ТАСС). Олтинчи чақириқ Украина ССР Олий Советининг биринчи сессияси Киевда икки кун давом этгандан кейин бугун ўз ишини тамомлади. Сессия қатнашчилари республикада савдо ва умумий овқатланишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги докладни муҳокама қилдилар. Олий Совет Украина Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиумини сайлади. Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб депутат Демьян Сергеевич Коротченко, Президиум раисининг ўринбосарлари қилиб С. А. Ковпак ва Д. П. Писнячевский сайланди. Олий Совет Украина ССР Министрлар Советининг составини якдиллик билан тасдиқлади. Украина ССР Министрлар Советининг раиси қилиб депутат Владимир Васильевич Шчербицкий тасдиқланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими Лазарь Захарович Сливкиннинг узоқ давом этмаган оғир касалликдан сўнг 1963 йил 14 апрелда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ! БУТУН КУЧ КПСС ПРОГРАММАСИНИ, ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШГА ҚАРАТИЛСИН!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИ АМАЛДА

Владимир Ильич Ленин ўзининг классик асарларида тинч-тотув яшаш идеясини олга сурган эди. Совет ҳукумати ўз ташқи сиёсатида ана шу ленинча идеяга амал қилиб, социалистик система билан капиталистик системанинг тинч-тотув яшаши сиёсатини зўр бериб олга сурмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда инсоният тақдири урушнинг олдини олиш проблемасини ҳал қилишга боғлиқдир.

Икки ижтимоий система ўртасидаги кураш ҳозирги замоннинг асосий зиддиятларидир. Бу қарама-қаршиликларни келиштириб бўлмаса ҳам, КПСС Программасида айтилганидек, янги жаҳон урушсиз йўли билан эмас, балки иқтисодий мусобақа йўли билан уни ҳал этиш мумкин ва керак.

Бироқ, халқаро империализм кучлари бу тарихий факт билан ҳисоблашишни истамаётирлар. Икки система ўртасидаги иқтисодий мусобақада капитализм тобора заифлашмоқда. Шунинг учун ҳам империалистик буржуазия курашнинг янги формаларини қидирмоқда, жаҳон миқёсида кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартишга зўр бериб уринмоқда, ҳар қандай йўл билан тарихий тараққиёт йўлини бўғишга ҳаракат қилмоқда. Империалистик куч ана шу мақсадда ўз зиммасига капитализм «халоскори» ролини олган АҚШ монополистик буржуазияси атрофида бирлашмоқда.

Социализм ва прогресс кучлари билан империализм ва уруш кучлари ўртасидаги мисли кўрилмаган даражада кескинлашган кураш ҳозирги халқаро шароитнинг характерли белгисидир. Бу кураш турли формаларда ва турли соҳаларда олиб борилмоқда. Иқтисодий сохада социализм билан империализм ўртасида қандай кураш кетаётганлигини қараб чиқайлик.

Улуғ Ленин «Сиёсат иқтисоднинг мужассамлашган ифодасидир» деб таълим беради. Иқтисодий сохани таҳлил қилиш жаҳон сиёсатида социализм билан империализм ўртасидаги курашнинг асосий процессларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Икки иқтисодий система ўртасидаги кураш ҳозирги босқичда моддий ишлаб чиқариш, иқтисодий мусобақа майдонида бормоқда. Социализм билан капитализм ўртасидаги қарама-қаршиликлар худди шу майдонда ҳал этилмоқда. Икки системанинг иқтисодий мусобақаси — курашнинг ўзига хос формаси ва жаҳон аренасида синфий курашнинг энг муҳим кўринишидир.

Сўнгги вақтда империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари Совет Иттифоқининг иқтисодий соҳада мусобакалашишга чақиригидан жиддий ташвишга тушиб қолдилар ва социализм билан иқтисодий мусобакада мағлубиятга учрамаслик учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Партиямиз XXII съездида КПСС Программаси қабул қилингандан кейинок Шимолий атлантик блоки қатнашчиси бўлган АҚШ ва бошқа давлатларнинг раҳбар арбоблари «контрплан» ишлаб чиқдилар, бунда НАТО мамлакатларида ялпи миллий маҳсулотни 1970 йилга бориб 50 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Бундай «контрплан»нинг тузилиши бежиз эмас албатта. Сабаб шундаки, Америкада чиқадиган «Ньюсуик» журналининг тан олишича, президент Кеннеди «атлантик ҳамкорлиги»нинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга ва «Совет Коммунистик партияси XXII съездида кабул қилинган коммунистик устунликка эришишнинг 20 йиллик программасига Ғарб томонидан жавоб беришга»га уринмоқда. Демак империалистик давлатларнинг арбоблари эндиликда ўз фаолиятларида партиямиз XXII съезди қарорларининг, КПСС Программасининг ҳозирги замон жаҳон тараққиётига, халқаро шароитга жуда катта таъсирини тан олмоқдалар ва у билан ҳисоблашмоқдалар.

«Контрплан» авторлари Атлантик блоки мамлакатлари олдига қўйилган конкрет мақсадларни ишлаб чиқишда, аслини олганда, Совет Иттифоқи билан бир даражада боришни ўйлаганлар. Лекин уларнинг ҳисоблари замонсиздир. «Контрплан»нинг бажарилиши учун АҚШ ҳар йили ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 процент ўсишини таъминлаши керак. Ваҳолонки, сўнгги йилларда бундай ўсиш йилига ўртача 2, 3 процентни ташкил қилди. Кўпгина белгилар АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатларнинг экономикаси жиддий қийинчиликлар даврига кирганлигини кўрсатиб турибди. АҚШ президенти ҳузуридаги иқтисодий кенгаш бошлиғи Геллер Америка экономикасининг аҳволига баҳо бериб, ташвиш билан қуйидагиларни қайд қилади: «1962 йилда иқтисодий юксалиш суръати анча пасайди... Янги заводлар ва асбоб-ускуналарга капитал маблағ сарфлаш жуда қуйи даражада сақланиб қолмоқда ва АҚШ экономикасининг янги заиф томонлари кўриниб қолди... Бу воқеа иқтисодий ўсишнинг муваққат тўхтаб туришини кўрсатадими ёки иқтисодий активлиқнинг бундан буён ҳам пасайишини кўрсатувчи сигналми, ҳали ҳозирча аник эмас». Ғарбий Германияда чиқадиган «Фольксвирт» журнали жаҳон капиталистик экономикасининг перспективасини янада аниқроқ баҳолаб, 1962 йил сентябрида шундай деб ёзди: «Коньюктура иқлими бирмунча ёмонлашди ва ўсиш суръати хамма жойда камайиб бормоқда».

Социализм билан капитализм ўртасидаги кураш иқтисодий соҳада тинч мусобақа шаклида қандай ривожланади? Жаҳон социалистик системаси мамлакатларида экономика ва маданият тез суръатлар билан юксалмоқда. Умуман социализм системасида 1957—1961 йилларда саноат ялпи маҳсулоти 60 процент, капитализм мамлакатларида эса шу вақт ичида атиги 18 процент ўсди. Сўнгги тўрт йил ичида социалистик мамлакатларда саноат маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиши 12,5 процентни ташкил қилди, яъни капиталистик мамлакатлар саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсишидан уч баравар зиёд бўлди.

КПСС Программаси икки ўн йиллик ичида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш партия ва совет халқининг асосий иқтисодий вазифасидир, деб белгилаб берди.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун нималар керак бўлади? Бунинг учун металл зарур. 1963 йилда мамлакатимиз металлургиясида 77 миллион тонна пўлат эритадилар. Бу Қўшма Штатларда эритаётган пўлатнинг ўндан тўққиз қисмига тўғри келади. Совет Иттифоқи халқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқариш соҳасида Америка Қўшма Штатларига тенглашиб олди ва бир қанча соҳаларда ҳатто ўзиб кетди. 1962 йилда СССРда 170 минг металл кирқадиган станок ишлаб чиқарилди. АҚШда эса 140 минг станок тайёрланди. Химия саноати учун асбоб-ускуналар ва машиналар ишлаб чиқариш даражаси жиҳатдан ҳам АҚШга яқинлашиб қолдик, электровозлар, тепловозлар, вагонлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда эса АҚШдан ўзиб кетдик.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кўп миқдорда цемент керак бўлади. Бу йил мамлакатимизда 54 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилади, бу эса АҚШ ишлаб чиқараётган цементдан кўпдир. Шунингдек, яқин йилларда химия саноатига капитал маблағ сарфлаш ҳажми кескин кўпайтирилади. Мамлакатимиз АҚШга нисбатан анча кўп миқдорда ёғоч-тахта ва бошқа материаллар ишлаб чиқармоқда.

Қудратли базага эга бўлган саноатимиз қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва экономиканинг бошқа тармоқларига капитал маблағ сарфлашни йиллан-йилга кўпайтиришдир. Совет Иттифоқи капитал маблағ сарфлаш абсолют ҳажми жиҳатидан Қўшма Штатлардан олдинда бормоқда. Эндиликда бизнинг мамлакатимизда бир йил ичида биринчи ва иккинчи беш йилликлар мобайнида сарфланган ҳамма капитал маблағга нисбатан бир ярим баравар кўп капитал сарфланмоқда. Буларнинг ҳаммаси СССР иқтисодий мусобақада АҚШ устидан ғолиб чиқишининг гаровидир.

Совет Иттифоқининг тез ўсаётган экономикаси жаҳон социализм системаси улуғ оиласида муҳим роль ўйнайди.

Ленин партияси, ҳал қилишимиз лозим бўлган асосий проблема — меҳнат унумдорлигини янада ошириш проблемасидир, деб таълим бермоқда. Бу проблемани ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги учун айниқса катта аҳамиятга эгадир. Партиямиз, ишлаб чиқаришнинг самарасини ошириш, меҳнат унумдорлигини янада юксак даражада ўстириш ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масала, деб ҳисоблаган. Бунга эса фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, янги техникани жорий этиш йўли билан эришилади.

Мамлакатимиз коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган, халқ хўжалиги бекиёс равишда ўсган ҳозирги шароитда хўжалик қурилишига партия раҳбарлигиқанг роли ҳам мисли кўрилмаган даражада ошди. Хўжаликнинг социалистик системаси имкониятларидан социалистик ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишнинг мавжуд формалари орқада қолганлигини тугатиш учун партия, совет кадрлари ва илмий-техника ходимларидан экономиканинг ҳамма тармоқларида самарали фойдаланишга, уларнинг ишини яхши ташкил этишга ёрдам берадиган ташкилий структурани топиш даркор эди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми шундай қилди. Халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг энг яхши системаси ташкил этилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларининг амалга оширилиши натижасида экономикага партия раҳбарлигининг бутунлай янги системаси ташкил этилди, бу системага мувофиқ партия органлари юқоридан қуйигача ишлаб чиқариш принципи асосида тузилди. Корхоналарга раҳбарлик қилишда демократик принциплар ривожлантирилди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллаштирилмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Партия-давлат контролининг ленинча принциплари тикланди ва бу принципларга қатъий амал қилинмоқда.

Қайта тузишнинг асосий мақсади партия ва унинг органлари кучини коммунистик қурилишнинг асосий вазифасини: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, жамият моддий ва маънавий бойликларидан мўл-кўллигини вужудга келтириш вазифасини ҳал этишга қаратишдир.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ишлаб чиқариш суръатини янада кўпайтиришга кенг имконият очиб берди, бу эса совет давлатининг куч-қудратини мустаҳкамлайди, капитализм билан иқтисодий мусобақада ғалабамизни яқинлаштиради.

Биз яшаб турган ҳозирги даврнинг мохияти шундан иборатки, социализм билан капитализмнинг моддий бойликлар ишлаб чиқариш соҳасидаги мусобақасида социализм фойдасига ўзгариш юз берди. Бу ўзгариш Совет Иттифоқининг экономикани ривожлантириш суръатлари жиҳатидангина эмас, балки саноат маҳсулотининг энг муҳим турлари бўйича йиллик ўсишнинг абсолют кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам Қўшма Штатлардан устунликка эришганлигида ўз ифодасини топмоқда. Бу ўзгариш жаҳон аренасида синфий кучларнинг умумий нисбатида фақат сон жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгаришларга олиб келади.

Инсоният ўз келажагини тутун бурқсаб турган вайроналар ўрнида эмас, балки кўплаб авлодларнинг меҳнати билан яратилган моддий пойдевор устида қуришни истайди.

«Урушларни тўхтатиш, — деган эди В. И. Ленин,—халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш, таклифлар ва зўрлик қилишларни тўхтатиш — худди шулар бизнинг идеалимиздир» Совет Иттифоқи, барча социалистик давлатлар, бутун прогрессив инсоният ана шу ленинча ғоянинг бутун жаҳон бўйлаб тўла тантана қилиши учун курашмоқда.

М. АЮПОВ,
тарих фанлари кандидати.

УЛУҒ Ленин номи билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса совет кишилари учун азиз, мўътабар. Суратда: доҳийнинг Кремлдаги ишхонасидаги ёзув столи.
Д. Чернов фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

(Боши биринчи бетда).

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Борзикова** Вера Ивановна — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати «Учсой» балиқ заводининг ишчиси.
2. **Ермағамбетов** Нисонбой — Мўйноқ балиқ-консерва комбинати электростанциясининг машинисти.
3. **Крупнова** Зоя Степановна — Тошкент области Қолган Чирчиқ балиқчилик хўжалигининг балиқшунос гидробиологи.
4. **Худойбергенов Қанотбой** — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Партия XXII съезди» балиқ овлаш колхозининг балиқчиси.
5. **Низомов** Мамбетшариф — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Коммунизм» балиқ овлаш колхозининг раиси.
6. **Попов** Василий Емельянович — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати консерва заводининг цех бошлиғи.
7. **Шарипов** Қодир — Тошкент область «Дамаччи» балиқчилик хўжалигининг директори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Бердимуротова** Ўринша — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати «Қозоқдарё» балиқ заводининг ишчиси.
2. **Гончаров** Трифон Сидорович — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати «Мўйноқ» балиқ заводининг балиқчиси.
3. **Ережепов** Муротбек — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ балиқ-консерва комбинати «Порлатау» балиқ заводининг балиқчиси.
4. **Муртазоев** Кумек — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Амударё» балиқ овлаш колхози мотофелюгасининг капитани.
5. **Сейтеқов** Сейтмурот — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» балиқ овлаш колхозининг балиқчиси.
6. **Тен** Алексей Егорович — Тошкент область «Дамаччи» балиқчилик хўжалигининг бош балиқшуноси.
7. **Ўтемуротов** Жуманазар — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги Калинин номли балиқ овлаш колхозининг балиқчиси.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институти минерал хом ашёларни спектраль анализ қилиш лабораториясида мукаммал асбоблардан фойдаланилмоқда. Суратда: старший лаборант Т. Ғаниев ва лаборантка Ф. Ғуломова иш устида.
И. Глауберзон фотоси.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚЎЧМА «ЛЕТУЧКА»СИ

САМАРҚАНД. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Тоғ бағрига жойлашган Нурота ишлаб чиқариш бошқармасидаги энг йирик чорвадор хўжаликлардан бири—Ленин номли совхозда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг кўчма «летучка»си ўтказилди. «Летучка»да газетанинг кейинги ҳафтада чиққан сонлари обзор қилинди.

Сўзга чиққан Нурота совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари У. Йўлдошев, «Илғор чорвадор» газетасининг редактори М. Маликов, мактаб директори Б. Рустамов, Ленин номли совхоз агрономи У. Раҳматуллаев, врач Н. Файзуллаев ўртоқлар газетанинг тили, айрим материалларнинг мазмуни тўғрисида гапирдилар.

Ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия-давлат контроли комитетининг раиси С. Ортиқов, район хотин-қизлар советининг раиси Х. Қувондиқова ва бошқа ўртоқлар бир қанча таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газета редакториниг ўринбосари Х. Нуруллаев кўчма «летучка»га якун ясади.

Л. ЭРГАШЕВ.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ЕТТИ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИ ЗАРБДОР СУРЪАТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛСИН

Тошкентдан бир неча километр масофада қурувчилар мамлакатдаги энг йирик тепловой электростанцияларидан бирини барпо қилмоқдалар. Табиий газ билан ишлайдиган бу станциянинг қуввати Днепр ГЭСи қувватидан қарийб икки баравар ортиқ бўлади. Станция ишга тушгач, республиканинг ва бутун Ўрта Осиё иқтисодий районининг саноатини ривожлантириш учун янги ажойиб перспективалар очилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети ана шу энг муҳим қурилишдаги ишларнинг аҳволи билан танишди. Қурилиш майдончасида меҳнатнинг қониқарсиз ташкил қилинганлигини, техникадан ёмон фойдаланилаётганлигини кўрсатувчи жуда кўп фактлар аниқланди. Бу камчиликлар эса катта зарар келтирган. Шу нарса аниқландики, «ТашГРЭСстрой» бошқармасининг бошлиғи С. И. Лев қурилишга юзаки раҳбарлик қилмоқда, ишларни механизациялаш тўғрисида ғамхўрлик қилмайди.

«Узбекгидроэнергострой» трести бу жуда муҳим қурилишдаги ишларнинг бориши устидан тегишли контроль ўрнатмаган, қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши учун, қурилиш сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун зарур чораларни кўрмаган. Республиканинг Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ва «Теплоэнергопроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими қурувчиларга проект-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаётирлар.

Партия-давлат контроли комитети республиканинг Энергетика ва электрлаштириш министрлигига, «Узбекгидроэнергострой» трестига ва Тошкент ГРЭС қурилиши билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотларга мавжуд камчиликларни энг қисқа муддат ичида бартараф қилишни ҳамда янги энергетика қувватини ишга тушириш юзасидан ҳукумат топшириғининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни таклиф қилди. «Узбекгидроэнергострой» трести бошқарувчиси П. П. Фалалеевнинг станциянинг биринчи турбоагрегати шу йил 7 ноябрда ишга туширилади, шунингдек трест бу қурилишнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ревизия қилади ҳамда давлат маблағларини хўжасизларча сарф қилишдаги конкрет айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш учун материалларни тергов органларига топширади, деган гаплари маълумотга олинди.

Қурилишда тегишли тартиб бўлмаганлиги учун, халқ мулкига бепарво қараганлиги ва ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш ёмон ташкил қилинганлиги учун С. И. Левга қаттиқ виговор эълон қилинди. Министрлик ва трест раҳбарлари Тошкент ГРЭСга қурилишидаги камчиликларнинг бартараф қилиниши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ИШ

Ўзбекистонда ҳеч қачон ҳозиргидек кўп мебель сотилмаган эди. Мебелга бўлган эҳтиёжнинг гоят тез ўсиб бораётганлиги — меҳнаткашлар моддий фаровонлиги юксалишининг, уй-жой қурилиши кенг авж олдирилганлигининг бевосита натижасидир. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида мебель ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш, мебелнинг бежирим, қулай ва кўркам бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлиги таъкидланган эди.

Хўш, республика мебель саноатининг ходимлари бу вазифаларни қандай амалга оширмоқдалар?

Мебель ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳамма резервлар ҳали тўла ишга солинмаганлиги аниқланди. Буни, масалан, шу нарсадан ҳам кўриш мумкинки, республиканинг Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашига бўйсунган мебель корхоналари ўтган йили икки миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни кам бердилар. Бунинг сабаблари хамма фабрикалар учун умумий деса бўлади — ишлаб чиқариш ёмон ташкил этилган, механизация ва автоматика суст жорий қилинмоқда, планлаштиришда ва моддий-техника таъминотида камчиликлар бор.

Кўпгина корхоналарда эскириб қолган конструкциядаги мебель ишлаб чиқарилмоқда. Биринчи Самарқанд, Олмалиқ, Қўқон, Фарғона ва Наманган фабрикаларида «Шарқ» фирмасининг филиалларида ҳозир 400 минг сўмликдан ортиқ бракка чиқарилган буюмлар тўпланиб ётибди. Мебелнинг 60 процентидан кўпроқ қисми ишлаб чиқариш технологияси бузилганлиги учун сотилмай қўйилди. Фабрикаларнинг техника контроли бўлимлари маҳсулотнинг кўплаб брак қилинишига одатланиб қолганлар. «Узглавбит» корхоналарида ишлар яна ҳам ёмонроқ аҳволда. Бу корхоналарда брак мебель ишлаб чиқаришдан ташқари хусусий ишлаб чиқариш ҳолларига йўл қўйилган.

Фабрикаларда жуда кўп хўжасизлик, очиқдан-очиқ суиистеъмол қилиш фактлари очиб ташланди. Масалан, «Шарқ» фирмасининг иккинчи филиалида тўрт ой ичида қарийб беш юз кубометр ёғоч-тахта асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташланган. Қўқон фабрикасида 1300 квадрат метр рандаланган фанера ғайри қонуний равишда ҳисобдан чиқариб ташланган.

Ёмон сифатли мебель ишлаб чиқарилганлиги учун, ҳисоботларга кўшиб ёзишларга ва ёғоч-тахталар асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташланганлиги учун «Шарқ» фирмасининг иккинчи филиали бошлиғи А. К. Каримов ўз вазифасидан олинди. «Шарқ» фирмасининг директори К. Имомбердиев агар ҳом ашёни ҳисобга олиш ва сарфлаш ишида тартиб ўрнатиш учун, маҳсулот сифатини яхшилаш учун қатъий чоралар кўрилмаса, унинг қаттиқ жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди. Ғазалкент маиший комбинат директори В. С. Пустовойтовга ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун қаттиқ виговор эълон қилинди.

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ДАЛАЛАРГА ТЕЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛСИН

Республикада кўкламги экиш-нинг қизғин пайти келди. Пахтадан мўл ҳосил олиш учун ерга ўз вақтида кўп миқдорда махаллий ва минерал ўғитлар солиш керак. Ваҳолонки, текшириш вақтида маълум бўлишича, республика Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раҳбарлари минерал ўғитларнинг ташиб олинишига масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар. Кўп ўғитлар темир йўл станцияларида узоқ вақт қолиб кетиб, очиқ жойда ётмоқда ва бузилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги минерал ўғитларнинг ташиб олинишини контроль қилишдан ўзини четга тортиб, 1962—1963 йилларда темир йўл станцияларига келган 2500 тоннадан ортиқ ўғитнинг колхоз ва совхозларга ташилишини таъминламаган.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг айби билан 2600 тоннадан ортиқ ўғит станцияларда колиб кетган ва бузилиб ётибди.

Бундай аҳвол министрликнинг ва «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раҳбарларини ташвишлантирмаётир, ўғитларни ташиб олишнинг кечиктирилиши уларнинг бузилишига олиб келиши, ўғитларни агротехника муддатларида ерга солиш нормаларининг бажарилмай колишига сабаб бўлиши ва бинобарин, хосилнинг кам олинишига олиб келиши мумкинлиги уларни безовта килмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитети Қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга ва тайёрлаш министрининг биринчи ўринбосари П. М. Тимофеевни агар у минерал ўғитлар ва бошқа халқ хўжалик юкларининг ташиб олинишига ва сақланишига бўлган муносабатини ўзгартирмаса, каттик жазоланажаги ҳақида огоҳлантирди. «Узсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари И. И. Бурнашевга минерал ўғитларнинг ва бошқа юкларнинг ташиб олиниши ва сақланиши устидан унинг етарли контроль қилмаганлиги кўрсатилди. «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари Д. А. Саидикромов юкларнинг ташиб олиниши учун шахсан жавобгар эканлиги ҳакида огоҳлантирилди. «Узглавторгтехника» бошлиғи Н. И. Федоровга минерал ўғитлар ва бошқа юкларнинг ташиб олинишини ва сотилишини қониқарсиз ташкил қилганлиги учун виговор эълон қилинди. П. М. Тимофеев ва И. И. Бурнашевнинг минерал ўғитлар шу йил 20 апрелгача, бошқа юклар эса 1 майгача ташиб олинишини таъминлаяжаклари тўғрисидаги ваъдалари, шунингдек «Узглавстрой» бошлиғининг ўринбосари Х. М. Носировнинг бу ташкилотга қарашли ҳамма юклар 26 апрелгача ташиб олиниши ҳақидаги сўзи маълумотга олинди.

(ЎзТАГ).



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ В. И. Ленин номидаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида сульфат кислотаси цехи қурилиши тугай деб қолди. Шу кунларда механизмлар синаб кўрилмоқда. Суратда: янги цех участкаларидан бирининг кўриниши.

В. Кожевников ва В. Сваричевский фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

РАССОМЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

МОСКВА, 13 апрель. (ТАСС). Рассомларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съезди бугун ўз ишини тамомлади. Бу съезд кўп миллатли совет санъатида жуда катта аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Съезднинг кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб бўлди. СССР Рассомлар союзининг раҳбар органлари — 143 кишидан иборат правление ва 31 кишидан иборат ревизия комиссияси сайланди. Союз правлениеси составига кекса авлод мастерлари билан бир қаторда ёш рассомлар — Г. Коршев (Москва), Т. Салахов (Озарбайжон), А. Ткачев (Москва области), В. Михалев (Архангельск) ва бошқалар сайланди.

Якуловчи мажлисда делегатлар ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига мактуб қабул қилдилар.

Биз, дейилади мактубда, рассомлар ва санъатшуносларнинг бир қисми йўл қўйган хатолар принципиал танқид қилинганлиги учун партиядан миннатдормиз. Биз ўзимизнинг гражданлик бурчимизни ва халқ олдидаги жавобгарлигимизни яхши англаган ҳолда, разил абстракционизм ва формализмга қарши кескин кураш олиб борамиз. Социалистик реализм методигина халқ билан чамбарчас боғланган ва коммунизм йўлида зафарларга чорлайдиган чинакам эркин ижод учун кенг майдон очиб берди.

Съездда СССР халқ рассоми Б. Иогансон якунловчи нутқ сўзлади. Ўқардош социалистик мамлакатлардан келиб, съездда қатнашган меҳмонларга ташаккур изҳор қилди.

— Ўз қобилиятимизни, ўз ижодимизни коммунизмнинг улуғ санъати учун курашга бағишлаймиз. Совет Иттифоқининг партияси бизни коммунизм сари бошлаб бормоқда! Б. Иогансоннинг шу сўзларини делегатлар узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

* * *

МОСКВА, (ТАСС). СССР Рассомлар союзи янги правлениесининг пленуми бўлди. Пленумда 23 кишидан иборат правление секретариати сайланди. Пленум қатнашчилари СССР халқ рассоми С. Герасимовни якдиллик билан биринчи секретарь қилиб сайладилар.

Қуйидагилар СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретарлари қилиб сайланди: М. Аникушин (Ленинград), Н. Абдураҳмонов (Озарбайжон), Г. Айтиев (Киргизистон), Е. Белашова (Москва), И. Богдеско (Молдавия), Б. Бородай (Украина), М. Витолинь (Латвия), У. Жапаридзе (Грузия), Я. Енсен (Эстония), И. Икромов (Ўзбекистон), В. Касиян (Украина), И. Қиличев (Туркманистон), И. Кузминскис (Литва), П. Лебедев (Москва), А. Лопухов (Украина), Р. Парсамян (Арманистон), К. Рождественский (Москва), В. Серов (Москва), Д. Суслов (Москва области), К. Тележанов (Қозоғистон), Х. Хушвақтов (Тожикистон), В. Цвирко (Белоруссия).

И. Титов (Москва) СССР Рассомлар союзи марказий ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Поп районидаги Ленин номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси бу йил 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган. Ҳозир бригада коллективи чигит экишни кучайтириб юборди. Яхши тайёрланган ерларга чигит билан бир вақтда минерал ўғит ҳам солиб кетилмоқда. Бригада экишни юксак агротехника даражасида жуда қисқа муддатда ўтказиш ва чигитни текис ундириб олиш учун курашмоқда. СУРАТДА: бригада бошлиғи Мелиқўзи УМРЗОҚОВ экиш агрегатининг раҳбари Маҳмуд ҚУҚОНОВ билан квадратларнинг аниқ чиққанлигини текшириб кўрмоқда.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

...Ўзбекистон пахтакорлари! Мамлакат биздан кўплаб „оқ олтин“ кутмоқда ва биз шу „оқ олтин“ни бермоғимиз керак. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор. Иш фақат ўзимизга, ўзимизнинг уюшқоқлигимизга, фидокорона меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Дала ишлари суръати ва сифатини оширайлик! Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик!

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ПИЛЛА МЎЛ БЎЛАДИ

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Фарғоналиклар пиллани иккинчи «оқ олтин»имиз дейишади. Ҳақиқатан ҳам пиллачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи, дастлабки даромад манбаи. Пилла мўл бўлса, кўпроқ нафис ипакли газламалар етказиб берилади. Фарғоналиклар 3850 тонна пилласи коммунизм қурилишига муносиб ҳиссадир.

Область пиллачилари ўтган йили планларини ҳам, олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. Ҳар қути уруғдан 50,4 килограммдан пилла топширдилар. Фарғоналиклар бу йил ҳосилдорликни ҳар қути ҳисобига 7,7 килограмм оширишга аҳд қилдилар. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Область бўйича қурт боқувчилардан 30 минг киши, пиллачилик техникаларидан 1500 киши қисқа муддатли курсларда ўқитилди. Хўжаликларда ҳар қути уруғ ҳисобига 60 квадрат метрдан сўкичак тайёрланди.

ЧИГИТНИ АЪЛО СИФАТЛИ ЭКИШ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ЖУМА, (ЎзТАГ). Карл Маркс номли колхознинг аъзолари ўтган йилдагига нисбатан қариб бир минг тонна кўп пахта беришга қарор қилдилар.

Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги бу энг йирик пахтачилик хўжалигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалик механизаторларига Мурожаати амалий суратда муҳокама қилинмоқда.

— Биз унумдор ерларга, энг мукаммал техникага эгамиз, пахтадан мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган ҳамма нарса бизда бор, — бригадир Қосим Пардаев дала шийпонида колхозчилар билан ўз суҳбатини ана шу сўзлар билан бошлади. — Етти йилликнинг бешинчи йилида мумкин қадар кўпроқ «оқ олтин» етиштириш учун ҳар биримиз самарали меҳнат қилиш иштиёқи билан яшамоқдамиз.

Комсомол-ёшлар бригадаси чигит экишни қисқа муддатда ва юқори сифатли тугаллаб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилди. Ф. Эшназаров, Н. Жумабоев, А. Хегай ва бошқалар бошлиқ бригадалар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Ҳозир, ҳар бир кун, ҳар бир соат қадрли бўлган бир пайтда хамма киши далада меҳнат қилмоқда. Уруг яхши ишланган ва етарли даражада нами бўлган тупроққа экилмоқда. Чигитни юқори сифатли экиш — мўл ҳосил етиштиришнинг мустаҳкам гарови эканлигини ҳар бир киши тушунади.

Тельман номли колхоз Андижон ишлаб чиқариш бошқармасида пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқда. Ўтган йилнинг ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам бу хўжаликда 750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта олиниб, йиллик план 106,1 процент бажарилди.

Бу муваффақиятга ер, сув, ўғит ва техникадан самарали фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва илғор агротехникани ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли эришилди. Ҳар бир бригадага пахта майдонларининг миқдорига қараб бир-иккитадан чопиқ трактори биркитилгани, ишни сифатли бажарган механизаторларга қўшимча ҳақ тўланиши, уруғлик материал ва маблағлар тежаб-тергаб сарфланганлиги мўл ва арзон пахта етиштириш имконини бермоқда.

Мўл ва арзон ҳосил етиштирилгани натижасида даромад ҳам ортаяпти. Ўтган тўрт йил ичида колхознинг умумий даромади 169 минг сўм кўпайди.

Яхши ишлаган кўп ҳақ олади! Колхозда планни орттириб бажарган, қўшимча маҳсулот етиштирган ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтирган бригадаларнинг аъзолари рағбатлантирилмоқда. Ўтган йили гектаридан 34 центнердан ҳосил олган, бир центнер пахта етиштиришга 5 кишикуни сарфлаган Эргаш Сулаймонов бошлиқ бригада аъзоларига 4498 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Пландан ортиқча 19 процент пахта топширган ёки ҳосилдорликни гектар бошига 37 центнерга етказган Йўлдош Нишонов бошлиқ бригада аъзолари 30 минг сўм қўшимча ҳақ олдилар. Колхознинг энг яхши механизаторлари Жалолиддин Солиев, Қанди Бозоров, Ҳайит Дадабоевлар ҳам катта даромад олдилар. Колхоз бўйича ҳар бир меҳнат кунига 2 сўм 40 тийиндан пул тақсимланган бўлса, юқоридаги бригадаларнинг аъзолари ҳар бир меҳнат кунига 2 сўм 60 тийин — 2 сўм 80 тийиндан ҳак олдилар.

Шунингдек пилла ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи ҳам камайтириляпти. Чунончи бир центнер мол гўштининг таннархи 90 сўм, чўчқа гўшти 110 сўм, сут 11 сўмга туширилди. Бир центнер пилла етиштириш учун 107 сўм сарфланди ва у давлатга 295 сўмдан сотилди. Пиллачиликдан 40 минг сўмдан кўпроқ фойда олинди.

Яқинда колхозда ўтказилган иқтисодий конференцияда колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марямхон Йўлдошева ўз меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш йўлида эришилаётган ютуқларни ҳикоя қилиб берди. Конференцияда бригада бошлиқлари, ҳисобот ходимлари, чорвадорлар, механизаторлар ва пропагандистлар қатнашди.

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари ва янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган колхоз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтариш, ҳар центнер пахтанинг таннархини 15 сўмга тушириш, давлатга 2500 тонна пахта, 55 тонна гўшт, 170 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шу мақсадда кўкламга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Ҳар гектар ерга 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилмоқда, пахта майдонларига яхоб берилмоқда; техника ремонти март ойигача тамомланади. Колхозда ташкил этилган агротехника курсида колхозчилар илғорлар тажрибасини ўрганмоқдалар.

Н. ҲАКИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.
Л. МАҲМУДОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ЯХШИ ИШЛАГАНГА — ЯХШИ ҲАҚ

СҮНГГИ ПОЧТАДАН ИЛҒОРЛАР ЮТУҒИ УМУМХАЛҚ МУЛКИ

Етти йилликнинг бешинчи йили деҳқончилик ва чорвачиликни қудратли юксалтириш йили бўлсин. Мўл ҳосил етиштириб, совет кишиларини қувонтирайлик!

Кубаннинг серунум олтин водийларидан парвоз этган бу оташин чақириқ мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларининг қалбидан чуқур жой олди, уларни коммунистик мўл-кўлчилик учун бошланган умумхалқ курашида муносиб ўрин олишга руҳлантирди. Янгийўлнинг миришкор пахтакорлари «оқ олтин» етиштирувчи республикаларнинг хўжаликлари орасида биринчи бўлиб устьлабинскликлар ташаббусини маъқуллаган ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олган эдилар.

Ҳар икки ташаббус мамлакатимизда кенг кулоч ёйди. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Янгийўл» газетаси ўзининг ўтган якшанба кунги сонини устьлабинскликларнинг тажрибасига бағишлади. «Кўнгил кўнгилдан сув ичади», «Кўпнинг келди — кўмак келди», «Қандай қилиб маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдик» сарлавҳали ва бошқа материалларда ташаббускорларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳикоя қилинади.

Газетанинг бу сонида чиққан материалларни Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасида чиқадиган «Сельская новь» газетаси коллективи ҳаётирган.

«Янгийўл» бошқарма газетасининг илғорлар тажрибасини умумхалқ мулкига айлантириш йўлидаги интилиши мактовга лойиқдир.

БОҒ-РОҒЛАРИМИЗ КЕНГАЙСИН

(ХАТЛАРДАН)

□ □

Яхши ният билан кўчат эк. Кўчат эккан киши ўлкамизни безайди, эл дастурхонини тўкин қилишга ўз ҳиссасини қўшади.

Андижон мева кўчатлари етиштириш совхозининг коллективи ҳар йили республикамизнинг турли областларига, Қорақалпоғистон Автоном республикасига ўн минглаб турли хил кўчатлар етказиб бераётир, деб хабар қилади М. Турғонов. Совхоз коллективи номига келган бир хатда: «Юборган 165 минг туп мева кўчатларингизни олдик, — деб ёзади янгиерликлар, — айниқса, совуққа чидамли «Розмарин», «Персиковая летняя» навли олма, «Субҳона», «Хурмойи» навли ўрик кўчатларингиз, «Нимранг», «Хусайни», «Андижон чароси», «Оқ кишмиш» навли ток қаламчаларингиз бир текисда кўкармоқда».

Совхозда бир миллиондан ортиқ кўчат тайёрланиб, республикамиз шаҳар ва қишлоқларига жўнатилди. Яқинда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги виставкасида совхоз коллективининг ютуқлари юксак баҳоланди.

— Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил байроқ» колхозида, — деб ёзади ўртоқ У. Маматқулов, — янги боғлар барпо этилиб, 1300 туп ўрик, 250 туп олма, 900 туп шафтоли экилди. И. Бурхоновнинг ёзишича, Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-боғдорчилик ва узумчилик совхозининг ишчилари ҳам бу йил аҳолига кўплаб мева етказиб бериш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Куздаёқ барча мевали дарахтларнинг таги юмшатилиб яхоб берилди. Токлар ўз вақтида очилди. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги 11-боғдорчилик совхозининг ўртоқ Сафар Холматов бошлиқ бригадаси ишчилари эса тоғ ёнбағирларидан 15 гектар янги ер очиб, токзорга айлантирдилар.

Андижон областидан О. Абдураҳимов, Ж. Абдуллаев, У. Султонов, Тошкент областидан А. Эшматов, Самарқанд областидан Х. Солиев, К. Сулаймонов ўртоқлар ўз хатларида янги-янги боғлар барпо этилаётганлигини зўр қувонч билан хабар қиладилар.

Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Марксизм» колхозининг Тамжўй, Эдилбек, Ўз қишлоқларидаги 32 гектар боғ 3-4 йилдан буён ташландиқ ҳолда ётибди. Бу боғдаги 6400 туп турли хил мевали дарахтларнинг ярмидан кўпи синган, боғларга колхозчиларнинг моллари ҳайдаб қўйилади. Колхоз боғидаги 3000 туп олма кўчатидан атиги 300-400 тупигина қолган. Артель правлениеси (ранси ўртоқ Т. Эрназаров), партия ташкилоти секретари Ж. Эргашев ва бош агроном Б. Норбоев) негадир хўжаликнинг бу сердаромад соҳасига эътибор бермай қўйган, — деб ачиниб ёзади Қ. Суюнов, С. Пўлатов ўртоқлар.

Боғ-роғлар — ўлкамизнинг ҳуснини очади, дастурхонимизни безайди. Яхши ният билан ҳар ким кўчат эксин, шаҳар қишлоқларимизни боғ-бўстонга айлантирайлик.

ТЎЛА ГЕКТАР УЧУН

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Пахта мўл ҳосилига асосан чигит экиш вақтида замин яратилади. Экишда агротехника қоидасининг салгина бузилиши чигитнинг текис униб чиқмаслигига, кўчатларнинг нормал қалинликда бўлмаслигига олиб келади. Гектарларнинг тўла бўлмаслиги ҳам ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун экиш-тикиш ишларини пухта ташкил этиш — сифатга алоҳида эътибор бериш, бир қарич ҳам ерни бўш қолдириб кетмаслик талаб қилинади.

Илғор колхоз ва совхозларда бу талабга яхши амал қилиняпти. Андижон областидаги «Совой» совхозида ҳар бир картага чигит экиб бўлинганидан кейинок ер бурчаклари, йўл атрофлари ва ариқ бўйларида бўш қолган шудгор юмшатилиб, уруғ ташланмоқда. Бунда от-уловлардан, боғ тракторларидан фойдаланилаётир. Шу йўл билан гектарларнинг тўла бўлиши, ҳамма майдонда чигитнинг бир вақтда униб чиқиши таъминланяпти.

Лекин республикадаги барча хўжаликларда ҳам тўла гектар учун курашилаётир, деб бўлмайди. Термиз ишлаб чиқариш бошқармасига карашли «Коммунизм» колхозида 25 гектарли бир картада ер бурчаклари ва йўл атрофлари ҳисобига 3 гектарга яқин майдон бўш қолдирилган. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида ҳар гектар ерга нормадагидан 70 килограмм, Фрунзе номли колхозда 60 килограмм кўп чигит сарфланаётганлигига қарамай, ҳар бир картада 1,5-2 гектардан майдонга уруг ташланмай кетилган. Бу колхозларда квадратлар ҳам қинғир-қийшиқ чиққан, чигит ортиқча ивитилиб, жуда саёз экилган. Бундай фактларни бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин.

Булар шунинг учун содир бўлмоқдаки, кўпгина жойларда иш устидан етарли контроллик қилинмайди. Бригада бошлиқларига, экиш экипажларининг аъзоларига нисбатан талабчанлик кучайтирилган эмас. Ҳамма майдонда экишнинг тугалланишини кутиб, ер бурчакларига, ариқ бўйларига ва бошқа бўш қолдирилган майдонларга чигит ташлаш пайсалга солинаётир. Бунга эндиликда сира йўл қўйиб бўлмайди. Шуни унутмаслик керакки, бир қарич ҳам ер бўш қолдирилмай, барча майдонга чигит экилиб, тўла гектар таъминлангандан кейингина экиш тамомланган ҳисобланади.

Шунинг учун экишнинг дастлабки кунлариданоқ гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш, ҳар бир картада экиш тугалланганидан кейин тракторлар айланадиган ерларга пешма-пеш чигит ташлаш керак. Шу мақсадда ҳар бир колхоз ва совхозда, иложи бўлса, ҳар бир бригада ва бўлимда тракторлардан қолиб кетган участкаларга чигит экиш учун махсус кишилар ажратиш зарур. Ана шунда бу ишни яхшилаб ташкил этиш, ҳар қайси картага уруғни бир вақтда экиб олиш имконияти туғилади, бўш ерларга чигит экиш орқага сурилмайди. Бу ишга тажрибали кишиларни қўйиш, уларни экиш техникаси, от-улов ва бошқа керакли нарсалар билан етарли таъминлаш, ҳар бир картани колхоз ва совхоз агрономларининг назорати остида пухта ўлчаб қабул қилиш лозим.

Агрономия фани ҳар гектар ерда 100-110 минг туп кўчат бўлишини тақозо этади. Бундан кам бўлса ниҳол сийрак ҳисобланади. Бинобарин, гектарлар тўла бўлмайди. Булар экишда бракка йўл қўйиш, квадратларни қинғир-қийшиқ чиқариш, чигитни саёз ёки кечрагидан ортиқча чуқурликка ташлаш натижасида содир бўлади. Ҳар йили юз бериб келаётган бундай хато ва камчиликларнинг яна такрорланмаслиги учун экишни юксак агротехника даражасида ўтказиш, квадратларнинг заррача бузилишига йўл қўймаслик, димланган чигитни 4-5 сантиметрдан ортиқ ёки кам чуқурликка ташламаслик керак.

Гектарлар тўла, квадратлар аниқ бўлсин, чигит ерга энг қулай агротехника муддатларида тушсин, — Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Ўзбекистондаги барча пахтакорларга қарата чиқарган мурожаати ана шунга тақозо этади. Колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, агрономлари, партия ва совет ташкилотлари шуни кўзлаб ишлашлари керак.

2000 ЦЕНТНЕР КЎКПОЯ

ЯНГИЕР, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири), «Коммунизм» колхозининг А. Зиёев бошлиқ маккажўхорикорлар бригадаси ўтган йили ҳар гектар ердан 1800 центнердан силосбоп кўкпоя олган эдилар. Улар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 2000 центнерга етказиш учун қизғин қураш бошладилар.

Бригадага қарашли ҳамма майдонларга квадрат-уялаб маккажўхори экилди. Ёш ниҳолни озиқлантириш учун ҳар гектар ерга 10 тоннадан чиритилган ғўнг тайёрлаб қўйилди. 20 гектарлик уруғлик майдонга «шарбат» оқизилади. Яқин кунларда бригадада биринчи комплекс маккажўхори парваришни бошланади.

М. НАЗАРОВ.

ЛАЗАРЬ ЗАХАРОВИЧ СЛИВКИН

Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими, республиканинг кекса журналистларидан бири Лазарь Захарович Сливкин узоқ давом этмаган оғир касалликдан кейин 14 апрелда вафот этди.

Л. З. Сливкин 1911 йилда туғилди. У 1929 йили Туркс и б темир йўли қурилишида ўз меҳнат фаолиятини комсомол ходими сифатида бошлади. 1930 йили Лазарь Захарович «Прииртишская правда» газетасига ишга ўтди. Шу вақтдан бошлаб қариб 30 йил мобайнида матбуотда муттасил ишлади, шундан 25 йили Ўзбекистон матбуотида. Лазарь Захарович «Правда Востока» газетасининг бўлим мудири, масъул секретари, редактор ўринбосари, «Ташкентская правда» газетасининг редактор ўринбосари бўлиб ишлади. Ўртоқ Сливкин Улуғ Ватан уруши йилларида дивизия газетасига редакторлик қилди, сўнгра эса Туркистон Харбий Округининг газетаси — «Фрунзевец»нинг масъул секретари бўлиб ишлади.

Ўзбекистоннинг кекса журналистларидан бири бўлган Л. З. Сливкин ёш газета ходимларининг катта группасини тарбиялади. Улар Сливкиндан партиявий принципиалликни, жанговар газета сўзи маҳоратини, ўз бурчини беками-кўст бажаришни ўргандилар.

Лазарь Захарович Сливкин кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида масъул ишда бўлди. Бу ерда унинг юксак ишчанлик ва сиёсий кобилияти равшан намоён бўлди. У ҳақиқий сиёсий жангчи сифатида тинимсиз ва ҳормай-толмай меҳнат қилди, ўзининг бутун кучини, билимини ва тажрибасини, бутун қалб ҳароратини партияга хизмат қилишга бағишлади.

Совет ҳукумати Лазарь Захарович Сливкиннинг хизматларини юксак баҳолаб, уни «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

Ташаббускор, моҳир ходим, принципиал коммунист Лазарь Захарович самимий инсон, сезгир, дилкаш ўртоқ ва дўст эди. Унинг ёркин хотираси уни билган, у билан бирга ишлаган кишиларнинг қалбида абадий сақланади.

Ш. Р. Рашидов, В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Г. Ф. Наймушин, С. О. Азимов, М. М. Раҳмонқулов, М. Р. Рамазонов, Ш. З. Саломова, А. П. Қаюмов, Г. М. Орлов, К. Тоиров, А. Ғ. Султонхўжаев, Т. Г. Зинин, Д. И. Мангельдин, Е. Т. Зокиров, Ж. К. Хўжаев, С. З. Зиёмов, Б. П. Девиллерс, З. И. Есенбоев, А. Д. Ивахненко, Р. Сахибоев, Ш. Ниёзов, У. Е. Иброҳимов, Қ. К. Узоқов, В. А. Архангельский, С. С. Черник, Т. Соатов, В. Ф. Архангельский, Ю. Ю. Юсупов, Ф. Ю. Юнусов, Х. Алимтоев, А. Л. Стажило, М. Қорнев.

Пахта териш техникасининг „етти энагаси“

Мамлакатимизда тайёрланадиган пахтанинг 70 процентга яқинини Ўзбекистон етиштиради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз пахтакорларини турли қишлоқ хўжалик техникаси билан таъмин этиши лозим бўлган саноатнинг Ўзбекистонда барпо этилганлиги табиийдир. Колхоз ва совхоз далаларига тобора кўпроқ тракторлар, чигитни белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар, пахта териш машиналари чиқмоқда. Машҳур механизаторлар — пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари — Турсуной Охунова, Жавот Кўчиев, Саодат Гулаҳмедова, Маннон Жалолов ва бошқа кўплаб пахта териш машиналарининг ҳайдовчиларидан ҳар бири пахта теримида машиналар ёрдамида эллик-етмиш теримчининг ишини бажармоқда. Бу — ажойиб иш эмасми, ахир!

Шундай экан, колхоз ва совхозлар нега мўл «оқ олтин» ҳосилини ўз кучлари билан йиғиб-териб олмаётир? Нима учун ҳар йили терим вақтида юз минглаб шаҳарликлар ўзларининг асосий ишларини қолдириб, пахтакорларга ёрдамга чиқмоқдалар? Шунинг учунки, ҳали далаларда пахта териш агрегатлари етарли эмас, улар конструкция жиҳатидан такомиллаштирилмаган.

Бунинг асосий сабаби эса пахта териш техникасини яратиш устида ишлаётган конструкторлик кучларининг тарқоқлигидадир. Ҳозир бундай машиналарни лойиҳалаштириш устида тўрт ташкилот: Пахта териш машиналари бўйича давлат иттифоқ конструкторлик бюроси (ГСКБ), «Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика институти ҳамда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институти (САИМЭ) шуғулланмоқда. Бундан ташқари чигит экиш бўйича ва пахта тозалаш бўйича давлат иттифоқ конструкторлик бюролари мавжуддир.

Ишдаги тарқоқлик ва параллелизм янги пахта териш техникасини яратишга тўсқинлик қилмоқда. Баъзи мисолларни келтириб ўтамиз. Пахта териш бўйича давлат конструкторлик бюроси уч йил ичида пахта териш агрегати ва бошқа машиналарнинг йигирма бир конструкциясини тайёрлади. Бундан фақат олтитаси кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Олимлар, инженерлар, конструкторлар тарқоқ ҳолда эмас, балки уюшқоқлик билан ишлаганларида, сўзсиз, катта натижаларга эришилган бўлур эди. Афсуски, аҳвол бутунлай бошқача. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика институтининг конструкторлик бюроси бошқа баъзи юрҳоналар коллективлари билан ҳамкорликда ишлаш туфайли «АНТХ-1,2» пахта териш агрегати яратишга муваффақ бўлди. Конструктив ҳал этилиши жиҳатидан бу машина ҳозир ишлатилаётган пахта териш бўйича конструкторлик бюроси томонидан ишлаб чиқилган «ХВС—1,2» агрегатидан тубдан фарқ қилади. «АНТХ-1,2» — ўзиюрар эмас, балки осма машинадир, вазни анча енгиллаштирилган. Бу, олимларнинг конструкторлик изланишларидан далолат беради. Лекин Механика институти етарли ишлаб чиқариш ва тажриба базасига эга эмас. Шу сабабли ярим кустарь усулда тайёрланган машинанинг нуқсонлари кўп.

«Ташсельмаш» заводининг конструкторлари ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг ходимлари ҳам янги машина ихтиро этишга берилиб кетдилар. Улар бу ишга қанчадан-қанча ғайрат-шижоат, куч, маблағ ва вақт сарфлашмоқда. Лекин пахтакорлар қўлида фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиб ясалган чинакам мукаммал пахта териш машинаси ҳали ҳам йўқ. Йирик техника вазифаларини фақат кўплаб юқори малакали мутахассисларни бирлаштирадиган йирик коллективларгина ҳал қила олади.

Никита Сергеевич Хрушчев КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида илмий текшириш ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ишидаги бир-бирининг ишини такрорлашни ва параллелизмни қоралади. Пленумда айтилган сўзларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг пахта териш техникаси соҳасида ишлаётган олимлари ва конструкторлари ҳамда машинасозларига ҳам тўла тегишлидир.

Бизнинг фикримизча, пахта териш машиналари яратиш билан банд бўлган барча ташкилотларнинг ижодий кучларини тузуккина техника ва тажриба базасига эга бўлган Пахта териш бўйича давлат конструкторлик бюроси атрофида бирлаштириш керак. Шундай қилинса, иш натижаси ҳам яхшироқ бўлади. Буни ҳаёт тақозо қилмоқда, партия шундай қилишга даъват этмоқда.

В. ТЮТЬКОВ, Пахта териш бўйича давлат иттифоқ конструкторлик бюросининг бош инженери; В. ТЮПКО, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор; И. МУҚИМОВ — «Правда» мухбири.

Ўзбекистон ССР.
(«Правда» 14 апрель).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЕМИНАР

Ашхобод. 13 апрель. (ТАСС). Бу ерда республикалараро семинар-кенгаш беш кун давом қилиб, бугун ўз ишини тамомлади. Семинар-кенгашда Ўрта Осиё республикалари сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш жамиятлари ташкилотларининг адабиёт ва санъатни пропаганда қилиш масалалари муҳокама этилди.

Семинар қатнашчилари Москва шаҳри, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон олимларининг, адабиёт ва санъат арбобларининг бир қанча докладларини тингладилар.

РСФСР Педагогика фанлари академияси бадиий тарбия институтининг директори В. К. Скатершиковнинг «Санъатнинг коммунизм учун курашдаги вазифалари тўғрисида Коммунистик партия» деган доклади қизиқиб тингланди.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов ўз докладида Ўрта Осиё республикалари адабиётининг муваффақиятларини гапириб берди. Ўрта Осиё республикаларининг бадиий интеллигенцияси, деди у, социалистик реализм позициясида маҳкам турибди, партиянинг адабиёт ва санъат масалаларига доир кўрсатмаларини қизғин маъқулламоқда.

Қўқон педагогика институтининг ректори И. Р. Расуловнинг «Рус тили — Совет Иттифоқи халқларининг миллатлараро алоқа воситаси» деган докладида қардош республикаларда рус тилини ўрганиш масалалари ёритилди.

Семинарда ҳозирги замон тасвирий санъатининг муваффақиятлари, танқидчилик масалалари, тасвирий санъатдаги абстракционизм ва бошқа формалистик оқимлар, ҳозирги замон архитектураси ва музикасини ривожлантириш йўллари кўриб чиқилди.

Докладларда ва семинар-кенгаш қатнашчиларининг музокараларда сўзга чиқиб айтган гапларида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли воситаси бўлган адабиёт ва санъатни пропаганда қилишни Ўрта Осиё республикаларида бутун чоралар билан ривожлантириш ва яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда адабиёт ва санъатнинг актив пропагандистларига сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг ёрлиқлари топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Орол денгизида. А. Тўраев фотоэтюди.

ҲАЁТ—ИЛҲОМ МАНБАИ

ЁШ ИЖОДИЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

Биз ўз асарларимизни халқ учун яратамиз. Шу асарларнинг асосий заршуноси бўлган халқ ҳаёт ҳақиқатига зид келган ҳамма нарсани қатъиян рад этади. Шу сабабдан ҳам совет маданиятига ёт бўлган оқимлар—санъатдаги абстракционизм, формализм бизнинг ижодиҳиздан ўзига ўрин топа олмади. Биз ўз бурчимизни талантимиз билан партиямизнинг буюк ишига, коммунистик идеялар тантанаси учун кураш ишига хизмат қилишдан иборат, деб билмоқдамиз. 13 апрелда Ўзбекистон ижодий ёшларининг Тошкентдаги кенгашига тўпланган ёш ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, театр ва кино ходимлари якдиллик билан ана шундай дедилар.

— Ижодий интеллигенциянинг асосий мақсади — ўз замондошларининг қаҳрамонона ишлари ва турмушини улуғлаш ва таранним қилишдан, ёшларни коммунизм қурувчиларинг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялашда партияга ёрдам беришдан иборат, — деб таъкидлади ўз докладида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдуллаева.—КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари, мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғвор программаси бизнинг зиммамизга партия голвий қуроллиги ҳамма турларини жангговар шай ҳолга келтириш вазифасини юкламоқда. Коммунистик тарбиянинг қудратли воситаси бўлган адабиёт ва санъат ҳам ана шу қуроллар қаторига киради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг маданият арбоблари билан учрашувлари, Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқлари адабиётимиз ва санъатимиз ҳаётида катта воқеалардан бўлди.

Ўзбекистоннинг ёш ижодий кучлари социалистик реализм байроғини баланд кўтарганлари ҳолда, азамат пахтакорларимиз, Мирзачўлни забт этаётган кишилар, зангори олов магистраллари қурувчилари, металлурглар ва чорвадорлар, химиклар ва ер ости бойликлари разведкачиларининг чинакам қаҳрамонона меҳнатини, уларнинг янги достонлар, қўшиқлар, суратлар, спектакллар, фильмларга муносиб шонли ишларини ўз асарларида таннум қилмоқдалар.

Номлари кенг китобхонлар оммасига маълум бўлган истеъдодли ёш шоир ва адиблар кекса авлод ёзувчиларидан эстафетани қабул қилиб, турмуш билан баб-баравар одим ташлаб бормоқдалар, совет кишисини ҳаётимизнинг сўлмас коммунистик баҳори учун курашга чорламоқдалар, рус классик ва совет адабиётининг бой меросидан таълим олмоқдалар. Театрлардаги ёшларимиз ҳам томошабинлар ўртасида муваффақият қозонмоқда.

Лекин шунга қарамай, дейди докладчи, мазмуни саёз, бадиий сийқа асарлар яратиш фактларини ҳамон учратиб турибмиз. Кўпинча ёш ёзувчиларимиз ижодида темани бачка, налаштириб юбориш устун туради, катта проблем масалалар ҳал қилиб берилмайди.

Кичкинтойлар республика ёзувчиларидан бир талай ажойиб китобчалар олдилар. Лекин уни ҳали етарли деб бўлмайди. Болалар учун яхши асарларни кўплаб ёзиш, ёзганда ҳам болаларнинг хусусиятини билган ҳолда, меҳр, маҳорат билан ёзиб, ажойиб дунёмизни, кекса авлодлар кўрсатган қаҳрамонликларнинг салобатини ёш китобхон олдида очиб бериш керак.

Баъзи бир ёш авторларнинг ижодидаги ана шу камчиликларнинг ҳаммасини осонгина изоҳлаб бериш мумкин.

— Мен кўриқ ерларда ишлаётган қаҳрамонлар орасида ўзимга чинакам илҳом манбаи топиб олдим,— деди минбарга чиқиб, Сирдарё областидаги 6-совхоз комсомоллари ўзларига раҳбар қилиб сайлаган Я. Саъдуллаева. —Сизлар колхоз ва совхозларга, саноат корхоналари ва қурилишларга тез-тез бориб турингланг. У жойлардан янгидан-янги темаларни топасиз, ажойиб кишиларни, бўлғуси қаҳрамонларингизнинг тимсолларини учратасиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Г. П. Владимиров ўз нутқини ҳозир ижодий интеллигенция олдида турган катта вазифаларга бағишлади.

«Ўзбекфильм» студиясининг редактори А. Мадорский ва кинорежиссер А. Ҳамроев республика ёш кинематографчиларини тўлқинлантираётган масалалар ҳақида гапирдилар.

Қаршилик рассом Х. Я. Ганиев ва П. Н. Беньков номли рассомлик билим юртининг ўқитувчиси Н. С. Шин йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини эстетик тарбия масалаларига жалб қилдилар. Нафосатни сеза билиш қобилиятини, санъатдаги ғайри табиийликларга танқидий кўз билан қараш ҳислатини мактаб партасидан бошлаб сингдирмоқ керак. Бунинг учун эса тажрибали расм муаллимлари бўлиши зарур.

Шоир Сайёр санъат ва адабиёт ҳар хил турлари ёш вакилларининг ижодий алоқалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапиради.

— Ўзбек тилида — Отангга раҳмат! — деган ибора бор. Кўпгина ёш ёзувчиларимиз, композиторларимиз, артистларимиз ана шундай ажойиб мақтовга сазовор бўлмоқдалар, — дейди Тошкент саноат область комсомол комитетининг секретари А. Қаҳҳоров. —Бас шундай экан, оталар ва болалар ўртасидаги қандай келишмовчиликлар ҳақида гап бўлиши мумкин, ахир машҳур маданият усталаримиз ижодкор ёшларнинг ҳақиқий отахон устозлари ҳисобланади-ку. Авлодлар ўртасидаги бу дўстлик замондошимиз ҳақида янги асарлар яратиш учун негиз бўлишини истар эдик.

Ёш композитор Э. Солиҳов айтадики, кенг тингловчилар оммасини классик ва совет музикасининг энг яхши асарлари асосида тарбиялаш, республика композиторлари яратган ва яратаётган ҳамма яхши асарларни муттасил пропаганда қилиш керак. Яхши музика, қўшиқ филармония, радио ва телевизион эшиттиришлар, граммофон ёзувлари репертуаридан муносиб ўрин олиши мумкин.

Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун ва бошқа бадиий сўз усталарининг асарлари нима учун халқимизга шу қадар манзур бўлганлигини ёш ёзувчиларимиз ўйлаб кўришлари керак,—деди ёзувчи Одил Ёқубов. — Бунинг сабаби шуки, уларнинг асарлари бадиий юксак даражада бўлиш билан бирга ,чуқур партиявий асарлардир, катта идеяларни ифодаловчи, кучли, мард одамларнинг характерларини тасвирлаб берган асарлардир. Санъаткор воқеликнинг ҳодисаларини қандай қилиб, қандай позицияда туриб акс эттириши керак, деган масала адабиёт ва санъат асарларининг қимматини белгилайди. Н. С. Хрушчевнинг бу тўғрида айтган ажойиб сўзларини ҳаммамиз ҳамиша эсда тутишимиз лозим.

«Ёш гвардия» нашриёти бош редактори С. Анорбоев йиғилиш қатнашчиларига нашриёткинг ишлари, китобнинг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида гапириб берди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири А. П. Қаюмов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ёш ижодий интеллигенцияси кенгашининг катнашчилари КПСС Марказий Комитетига ёзилган хатни баланд руҳ билан қабул қилдилар.

М. ЖАЛОЛОВ,
Ю. КУКАРКИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

УЗОҚ САФАРГА

Пойтахт театрлари ва концерт ташкилотлари энг яхши ижодий коллективларни гастролга жўнатмоқда. СССР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги Ўзбек давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли РСФСР ва Ўрта Осиё республикалари бўйлаб узоқ муддатли гастролга жўнаб кетди. «Баҳор» қаророш Қозоғистон ССРнинг Павлодар, Целиноград, Кончатов, Петропавловск шаҳарларида ҳам бўлиб, катта программада концерт кўрсатади.

Ўзбек Давлат филармониясининг 60 кишидан иборат ашула ва рақс ансамбли қардош Туркманистон, Озарбайжон бўйлаб сафарга йўл олди. Санъаткорларнинг программаларида тинчлик, дўстлик коммунизм қурувчи қаҳрамон халққа бағишланган куйлар, қўшиқлар, рақслар кенг ўрин олган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги қайта ташкил этилган Хоразм ансамбли Сирдарё, Тошкент областларида пахтакорлар ҳузурларида бўлиб меҳнаткашларни концертлари билан хушнуд этадилар.

Н. ИНОҚОВ.

ФУТБОЛ

БУ—ШАРМАНДАЛИК-КУ!

Кеча «Пахтакор» стадионида бўлган ўйин мингларча футбол ишқивозларининг таъбини хира қилди. Ҳамма «Пахтакор»нинг ғалаба қозонишига катта умид боғлаган эди. Лекин, бу умид чиппакка чиқди.

Дастлабки минутлар, ҳатто, бутун биринчи бўлим пахтакорчиларнинг актив ҳужуми билан ўтди. Улар Ленинграднинг «Зенит» командаси дарвозасига икки марта тўп киритдилар. Томошабинлар бундан бирмунча хурсанд бўлган эдилар. Бироқ, бу хурсандчилик узоққа бормади. Ўйиннинг иккинчи ярми бошланиши билан меҳмонлар актив ҳужумга ўтдилар. Ғалабадан мағрурланган пахтакорчилар меҳмонларнинг ҳужумини тўсиш ўрнига довдираб қолдилар, бирининг ўйини иккинчисига қовушма д н. «Зенит» ҳужумби борган сари кучайтириб, ўйин охиригача «Пахтакор» дарвозасига кетма-кет тўрт марта тўп киритди.

Мавсум бошлангандан буён тўрт ўйин бўлди. Пахтакорчилар саккиз имкониятдан фақат иккитагина очко тўпладилар. Уларнинг ўйинини кўрган ҳар бир киши беихтиёр «ўтган йилги «Пахтакор» қани», деб савол берадилар. Ҳа, шундай. Ҳужумчиларнинг бир-бирларини тушунмасликлари, бирлари бошлаган комбинацияни иккинчилари давом эттираолмасликлари ва дарвоза олдида, қулай пайтларда ҳам тўпни гоҳ осмонга, гоҳ дарвоза чеккасига беҳуда тепишлари, уюшқоқсизлик, ҳатто ҳамма ўйинчиларининг ўринсиз ҳимояга ўтиши командани мағлубиятга олиб келаётган туб сабаблардир.

Наҳотки, тўрт ўйиндан иккитагина очко олинса?! Биринчи учрашувда-стадион томошабин билан лиқ тўлган эди. Кечаги ўйинда эса трибуналар тўлмай қолди. Чунки, томошабин пахтакорчиларнинг ўйинидан мутлақо каноатланмаётир. Бу аҳвол Ўзбекистон ССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси В. Митрофанов ҳамда «Пахтакор» командасининг тренери А. Келлер ўртоқларни ташвишга солиши, улар бундан гезда амалий хулосалар чиқариб олишлари керак.

Шундай қилиб, «Пахтакор» командаси ҳозирча энг охирги ўринлардан бирида судралиб бормоқда.

В. МАҲКАМОВ.

Оламда нима гап

ЮРИШ ТАМОМ БЎЛДИ

ЖЕНЕВА, 15 апрель. (ТАСС). «Атом бомбасини тақиқлаймиз!» деган шиор остида ўтган юришнинг нечанчи юзлаб қатнашчилари кеча Женевага келдилар. Улар 11 апрелда Лозаннадан йўлга чиқиб, уч кун ичида 80 километрдан ортиқ йўл босдилар. Юриш қатнашчилари Женева Миллатлар саройи олдида ядро қуроли билан қуролланишга қарши норозилик намойиши ўтказдилар ва ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида дарҳол бир битимга келишга даъват этган мурожаатни қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетига юборишга қарор қилдилар.

«Атом қуроли билан қуролланишга қарши ёшлар ҳаракати» ташкилоти уюштирган бу юришда Швейцарияда яшовчи ёш итальянлар, испанлар, ғарбий герман ва турк ишчиларининг кўпи қатнашди.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ РУМИНИЯДА

БУХАРЕСТ, 14 апрель, (ТАСС). Руминия Халқ Республикасининг сиёсий адабиёт нашриёти, деб хабар беради «Romania libera» газетаси, В. И. Ленин асарлари киритилган 127 китобни жами 5 миллион 567 минг нусха босиб чиқарди.

Нашр этилган 17 тематик тўпламга В. И. Ленининг асарлари ёки бу асарлардан айрим парчалар киритилди. Ана шу тўпламларда партия қурилиши тўғрисида, социалистик давлатда ва коммунистик қурилишда партиянинг раҳбарлик роли тўғрисида, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат тўғрисида, миллий ва миллий-мустамлака масаласи ҳақида, ревизионизмга қарши кураш масалалари ва бошқа масалалар ҳақида энг муҳим ленинча қоидалар ёритилади.

В. И. Ленининг энг муҳим асарлари Руминияда бир неча марта ўн ва юз минг нусхалаб нашр этилди.

КАТАНГАДА ТЎҚИНИШ

НЬЮ-ЙОРК, 15 апрель. (ТАСС). Катанганинг Элизабетвилдан 130 километр шимолда жойлашган йирик шаҳри Жадовилда қабилалар ўртасида жуда катта тўқинишлар бўлди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Элизабетвилдан хабар беришича, тўқиниш вақтида 52 киши ўлган ва 75 киши ярадор бўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгода жойлашган қўшинлари отрядлари «тартибни тиклаш учун» Жадовилга келганлар.

ТИМОР ҚУЗҒОЛОНЧИЛАРИНИНГ ҲУКУМАТИ ТУЗИЛДИ

ПАРИЖ, 15 апрель. (ТАСС). Тимор оролининг шарқий қисмини Португалия мустамлакачилари ҳукмронлигидан озод қилиш учун курашаётган кишилар Тимор Бирлашган Республикаси ҳукуматини туздилар.

Франс пресс агентлиги мухбирининг Жакартадан хабар беришича, А. Мао Клао республика президентидир.

Бу ҳукумат эълон қилган баёнотда унинг барча мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, ўзини танишни илтимос қилганлигини кўрсатилади.

Тимор ороли Индонезия архипелаги оролларидан биридир. Оролнинг ғарбий қисми Индонезия Республикаси суверенитети остидадир.

АФРИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ ТУЗИЛГАНЛИГИ МАЪҚУЛЛАНДИ

ҚОҲИРА, 14 апрель. (ТАСС). Африкани ривожлантириш банки тузилганлиги тўғрисидаги битимни маъқулловчи республика декрети бу ерда эълон қилинди. Бу битим Бирлашган Араб Республикаси, Жазоир, Гана, Гвинея, Мали ва Марокаш ўртасида тузилган эди. Банкнинг капитали 30 миллион доллар қилиб белгиланди. Банк Африка мамлакатларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортни ривожлантиришга доир турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қарз ва кредитлар бериб туради.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ

«МЕН ҚОЙИЛ ҚОЛДИМ»

Ўзбекистон олимлари Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг Бош директори Зигвард Эклунди меҳмон қилдилар. У республикамиз пойтахтига рафиқаси Эклунд хоним билан СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг аъзоси В. С. Кандарицкий ва СССРнинг Халқаро агентликдаги ваколатхонасининг маслаҳатчиси А. И. Александровлар ҳамроҳлигида келди.

Меҳмонни Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов қабул қилиб, уни Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиши, илмий тадқиқот муассасаларининг иши билан ҳамда шу муассасаларинг фаолияти Совет Иттифоқи миқёсида, шунингдек республикада қандай координациялаштирилаётганлиги билан таништирди. Зигвард Эклунд баъзи бир илмий тадқиқот муассасалари билан танишиш иштиёқини билдирди.

Физика-техника институтида электроника бўлими унинг эътиборини ўзига тортди. Зигвард Эклунд «бу ердаги олимларнинг шу қадар аниқ методлар билан тадқиқот ўтказа олаётганликларига жуда қойил қолдим», — деди.

Зигвард Эклунд ва унинг ҳамроҳлари Математика институтининг ҳисоблаш маркази билан таништилар. Бу ердаги электрон ҳисоблаш машинасида темир йўл станцияларининг иши ҳисоблаб чиқилаётганлигини, медицина диагнози белгиланаётганлигини, халқ хўжалигига доир бошқа вазифалар ҳал қилинаётганлигини билиб, Зигвард Эклунд бундай деди: «Совет Иттифоқида шундай катта ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарилаётганини мен умуман билмас эдим. Мен бунга шунинг учун қизиқиб қолдимки, биз агентликка худди шу хилдаги машина сотиб олмоқчимиз».

Шундан сўнг Зигвард Эклунд Ядро физикаси институтига борди. Меҳмон институтдан кета туриб, матбуот вакилларига баёнот берди.

«Бу — менинг Совет Иттифоқига тўртинчи марта келишим, — деди у. — Бу галги сафарим Совет Иттифоқида фан ва техникани ривожлантириш асосий вазифадир, деган фикримни тасдиқлади. Мен Москвада ва унинг атрофларида бир қанча илмий муассасаларни кўрдим, лекин Москвадан олис бўлган мана шундай районларда, чунончи Ўзбекистонда фан ва техникага шу хилда муносабатда бўлинаётганини кўраман, деб кутмаган эдим. Фундаментал тадқиқотлардагина эмас, балки илм-фаннинг татбиқий тармоқларида ҳам юксак даражадаги активлик кўзга ташланади. Мен давлатнинг маориф ишларини, фан ва техникани мана шу тахлитда қўллаб-қувватлашини мамлакат эришган бениҳоя тараққиётни тушуниб олишнинг калити деб биламан».

Зигвард Эклундниг фикрича, Ўзбекистон ўзининг илмий муассасалари билан атомчи олимлар халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Зигвард Эклунд совет халқлари қисқа муддат ичида илм-фанни ривожлантиришда катта ютуқларга эришганликларини қайд қилиб ўтди. «Бу,— деди у. — Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг Бош директори бўлганим сифатида мен учун жуда ибратлидир, чунки олим кадрлар тайёрлаш агентликнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади».

13 апрелда Зигвард Эклунд рафиқаси билан самолётда Тбилисига жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

Томошалар. Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **«Звезда»** телевизион журнали. 18.50 — **Ленин барҳаёт** (ҳужжатли фильм). 19.00 — **Телевизион янгиликлар.** 19.15 — **Нефть тошларида ёнғин** (ҳужжатли фильм). 19.25— **Екатерина Воронина** номли бадиий фильм. 21.00 — **Концерт** («Политотдел» колхози бадиий ҳаваскорлари ижросида).

21.30 — **Қозоқ тилида эшиттириш.**

Ўзбек тилида: 21.45 — **Телевизион янгиликлар.** 22.00 — **Юмористик новеллалар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА:

Ўзбек тилида: 20.15 — **Вақтни қувиб ўтганлар** (ёшлар учун). 20.35— **Телетомошабинлар саволига жавоб.** 20.55 — **Олимлар лабораториясида.** 21.15 — **Китоблар оламида.**

Рус тилида: 21.45 — **Москвада баҳор** (телевизион спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IV да **Шоир қалби**, 17/IV да **Кулган киши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IV да **Номус**, 17/IV да **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—17/IV да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Шамол эксанг, бўрон ўнар — «ВАТАН» (кундуз соат 3, кеч 5.20 ва 7.40 минутда), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Жодугар қизи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, 11.40, кундуз 1.20 ва кеч 9.50 минутда).

Тошқин — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 8 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 4 да).

Капитан Лой туши — «МИР», «ДРУЖБА» (1-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Гуноҳкор фариштa — «ДРУЖБА» (2-зала), НАВОИЙ номли кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8 дримда), «ХЕВА» (кеч 9 да).

Танца кечаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли (кеч соат 8 дримда).

Биринчи учрашув — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да).

ФУРАН БИРИКМАЛАРИ ФАРҒОНА ХИМИЯ ЗАВОДИ

корхона ва муассасаларга нарядсиз, ҳар қанча миқдорда

„фа" мономерлари СОТАДИ

Завод бошқа шаҳарлардаги истеъмолчиларга цистерна ва контейнерларда етказади ҳамда багаж қилиб юборади.

17 апрель кеч соат 7 да, Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида **Халқаро муносабатлар университетининг**

МАШҒУЛОТИ:

1. **«Жаҳон социалистик системаси тараққиётининг муҳим масалалари».** Лектор — тарих фанлари кандидати **И. Иброҳимов.**

2. **«Яқин ва Ўрта Шарқда ҳозирги сиёсий аҳвол».** Лектор—тарих фанлари кандидати **Б. Н. Маннонов.**

Диссертация ёқлайдилар

1963 йил 26 апрель кундуз соат 2 да, Тошкент политехника институтининг химия-технология факультети советида (Ўзбекистон кўчаси, 25-уй)

Л. Г. Кейтлин

химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Табиий газда юқори частотали электродсиз разрядлар таъсирида бўладиган молекуляр ўзгаришларни текшириш» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Я. Колас кўчаси, 16-уй).

1963 йил 26 апрель кундуз соат 4 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражаларни бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Т. Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали)

Ю. К. Қўшмуродов

химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Софора пахикарпа алкалоидлари. Изософорамининг тузилиши» деган темада.

1963 йил 26 апрель кундуз соат 12 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети юридик факультетининг илмий совети мажлисида (Комсомол кўчаси, 72-уй) юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. П. Каратзас: «Марксизм-ленинизм буржуа демократияси ҳақида» деган темада.

В. Г. Мелкумов: «Прокуратурани умумий назорат фаолияти процессида қонунларнинг бузилишини аниқлашнинг шакл ва методлари» деган темада.

1963 йил 26 апрель кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети география факультетининг илмий совети мажлисида (Ленинград кўчаси, 19-уй, 111-аудитория)

Э. Мамедов

география фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Қизилқум ичкарисидаги қумлар» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

МАРҒИЛОН ШАҲАР МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА

1963/64 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимининг ўзбек ва рус группаларига 7, 8, 9, 10-синфни тамомлаган ва мактабгача тарбия муассасаларида ишлаб турган хотин-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: 10-синфни тамомлаганлар учун — 3 йил, 7, 8, 9-синфни тамомлаганлар учун — 4 йил.

Аризалар ҳозирдан 30 апрелгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 5 майдан 15 майгача ўтказилади.

Адрес: Марғилон шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 205-уй.

«УЗГЛАВМАШСНАБСБИТ»нинг Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 52-уйдаги

ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА АСБОБЛАРИ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА magazini ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 23/IV гача қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси, «Қизил Ўзбекистон» газета редакцияси коллективи кекса журналист, СССР Журналистлар союзининг аъзоси

Лазарь Захарович СЛИВКИНнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш Бош бошқармасининг 8-АВТОТРАНСПОРТ КОНТОРАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

3-КЛАСС ШОФЕРДАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН 4 ойлик курсга ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Стипендия тўланади.

Ўқиш 5 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Луначарский станцияси, телефон 6-09-63.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон телеграф агентлиги дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари энг кекса журналист

Лазарь Захарович СЛИВКИНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

«УЗГИПРОСЕЛЬСТРОЙ»ГА

лойиҳа тузувчи инженерлар ва старший инженерлар: электриклар ва алоқачилар (слаботочниклар)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 97-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти коллективи нашриётнинг директори Сотволди Йўлдошевга отаси

Йўлдош СУЛАЙМОНОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455 Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226 Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343 Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06845. Индекс 64543. Нашр. № 90.